



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Исмаилова Нилуфар Сабитджановна -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Жаҳон иқтисодиёти кафедраси доценти*

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a70](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a70)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг аҳамияти, унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва аҳолининг фаровонлигини таъминлашда давлатнинг ўзaro алоқалари натижалари ва истиқболлари ўрганилиб, ташқи иқтисодий алоқаларни ўртнатишдаги муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими бўйича тегишли тартибда ҳулоса ва таклифлар берилди.

**Калит сўзлар:** ташқи иқтисодиёт, алоқа, шартнома, дипломатик муносабатлар, товар олди-сотти жараёнлари, келишувлар, декларация, даромад, юк ташиш, товар айланмаси.

ОСОБЕННОСТИ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА

*Исмаилова Нилуфар Сабитджановна -  
Доцент кафедры "Мировая экономика"  
Ташкентского государственного экономического университета*

**Аннотация.** В данной статье изучено значение внешнеэкономических связей Узбекистана, его роль в экономике малаката, результаты и перспективы государственного взаимодействия в повышении занятости населения и обеспечении благосостояния населения, выявлены проблемы в налаживании внешнеэкономических связей и даны выводы и предложения по их решению в соответствующем порядке.

**Ключевые слова:** внешняя экономика, коммуникация, контракт, дипломатические отношения, процессы получения-продажи товара, соглашения, декларирование, доход, доставка, оборот.

FEATURES OF FOREIGN ECONOMIC RELATIONS OF UZBEKISTAN

*Ismailova Nilufar Sabitdjanovna -  
Tashkent State University of Economics,  
Associate Professor of the Department of "World economy"*

**Annotation.** This article studied the importance of Foreign Economic Relations of Uzbekistan, its role in the economy of malakat, the results and prospects of state interaction in increasing employment of the population and ensuring the well-being of the population, identified problems in the establishment of foreign economic relations and gave conclusions and suggestions on their solution in the appropriate order.

**Keywords:** foreign economy, communication, contract, diplomatic relations, commodity receipt-sale processes, agreements, decloration, income, shipping, turnover.

**Кириш.** Маълумки, ўзбек, турк ва қирғиз халқи азалдан яқин дўст ва қўшничилик муносабатида бўлиб келган. Аждодларимиз ҳам халқларнинг бирлигини сақлаб, бир-бирига яқин бўлган. Мамлакатлар нафақат географик жихатдан, балки тарихи, маданияти ва урф-одатлари ҳам бир-бирига жуда яқин.

Хусусан, бу уч мамлакат ўз мустақиллигига эришгандан сўнг, 1993 йил февралда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ҳозирги кунда икки мамлакат қонунчилик базаси **200 дан ортиқ** ҳужжатлардан иборат бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ва Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустақамлаш тўғрисидаги декларацияларнинг имзолангани муҳим аҳамиятга эга [1].

Табиийки, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг турли даврларига қарамай, турли соҳаларда мамлакатларимиз раҳбарлари томонидан ўзaro ҳамкорликнинг юқори даражадаги босқичига кўтарилди. Ўз навбатида, улар ўртасидаги учрашувлар, жумладан БМТ, МДХ, ШХТ, ИХТ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ва қатор халқaro тузилмалардаги иштироки фикримиз далилидир.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий фанлар асосчиси Адам Смит меркантилизм назариясини қаттиқ танқид остига олади. У ва унинг давомчилари эркин савдо халқaro савдо иштирокчиларининг барчаси учун муҳим ва фойдалидир, аммо хўжалик юритиш жараёнларига давлатнинг фаол аралашуви мамлакат иқтисодиёти учун зарарлидир, деб таъкидлашади [2].

Иқтисодчи олим Ж.Сакснинг фикрича, «дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ» [3].

Халқаро савдо оқими ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертил Олин ўз қарашларида акс эттириб, “у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашишини уларнинг ишлаб чиқариш омилларига эгаллик даражасига боғлиқдир” дейилган хулосага келишган ва улар «нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш» назариясини илгари сурдилар [4].

Ягдиш Н., Бхогвоти маълум бир шароитларда экспортга йўналтирилганликнинг ошиши савдо шароитининг уетарлича ёмонлашувига олиб келишлигини, натижада реал даромад пасайиши келиб чиқишлигини исбот қилди [5].

Ўзбекистон Республикасида ҳам бир қатор иқтисодчи олимлар, жумладан, А.Алимов, И.Ҳамедов [6], Ж.Жалолов, И.Ахмедов, И.Нематов, Т.Акрамов [7], Г.Г.Назарова, Н.Н.Маҳмудов [8]нинг илмий ишларида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаси тадқиқ қилинган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишимизни ёритишда таққослаш, анализ, синтез, иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилди. Таҳлилларда мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши ва натижалари ўрганилди, муаммолар ва соҳага оид бошқа бир қатор истиқболли вазифалар таҳлил қилинди. Маълумотларни қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда кенгроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммолар аниқланиб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди.

**Таҳлил ва натижалар.** Шунингдек, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг узунлиги **1,38 минг км** бўлган чегара ҳудудининг ҳеч қандай муаммоли қисми қолмади. Ўзаро чегарага тўлиқ делимитация ва демаркация қилинди. Буни қарангки, мазкур муаммоларнинг ҳал бўлиши ўзаро иқтисодий муносабатлар, чегараолди савдоси ва туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Биргина ўтган **2022 йилда** ўзбекистонликлар туризм мақсадида энг кўп ташриф буюрган давлат Қирғизистон бўлди (**2,4 млн. киши**) [11].

Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо ва инвестициялар соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Жумладан, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро савдо-сотик сўнгги **6 йил** ичида **8 бараварга** ўсиб, 2022 йил якунлари бўйича **1,3 миллиард долларни** ташкил қилди (яқин келажакда **2 миллиард**

**долларга** етказиш режалаштирилган), икки давлат капитали иштирокидаги **320 та корхона** фаолият кўрсатмоқда (шулардан **66 таси** 2022 йилда ташкил этилган). Қирғизистонда Ўзбекистон сармоёси иштирокидаги **60 та** корхона фаолият юритмоқда (улардан **22 таси** қўшма корхоналар, **38 таси** тўлиқ Ўзбекистон капитали иштирокидаги корхоналар). Транспорт соҳасида халқаро юк ташиш ҳажми **5 миллион тоннани** ташкил этди (**1,9 млн. т** – темир йўл, **3 млн. т** – автомобиль транспорти) [10].

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларини нафақат иккитомонлама, балки турли давлатлар иштирокидаги қўшма лойиҳаларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан:

**Қамбарота-1 ГЭС** – Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон қўшма инвестициялар ҳисобидан ушбу ГЭСни қуришга келишилди (2023 йил 6 январь);

**“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли** (айни дамда ушбу лойиҳа бўйича дала ишлари якунланган, Бишкекда лойиҳа офиси очилган);

**“Когарт” кичик ГЭС** – Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида қуввати **6,7 МВт** бўлган ГЭС қуришга келишилди (2022 йил 18 октябрь);

**ЕОИИ доирасида ҳамкорлик** – Ўзбекистон ЕОИИга кузатувчи мақомида қўшилганидан сўнг, Қирғизистон билан ҳам иқтисодий муносабатлар ривожланди (2022 йилда Ўзбекистон ташқи савдосида ЕОИИ улуши **35 %**ни ташкил қилди);

**“Ўзбекистон ва Қирғизистон қўшма инвестиция фонди”**ни ташкил этишга келишилди (2021 йил 11 март, унинг дастлабки ҳажми **50 млн. доллар**, бўлиши ва келажакда **200 млн. долларга** етказиш режалаштирилган) [12].

Маълумки, жорий йилнинг 26-27 январь кунлари мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг расмий ташриф билан Қирғизистон Республикасида бўлгани икки давлат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг тараққиётига яна бир туртки бўлди. Ташриф доирасида ташкил этилган бизнес-форум доирасида умумий қиймати **1,6 миллиард долларлик** бўлган **50 дан ортиқ** салмоқли шартномалар, жумладан, **300,3 млн. долларлик** инвестиция, **1,2 млрд. долларлик** экспорт ҳамда **223 млн. долларлик** импорт шартномалари имзоланди. Асосий ҳужжатлар сифатида қуйидагиларни санаш мумкин [12]:

агросаноат комплекси соҳасида ҳамкорлик бўйича икки мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлари томонидан имзоланган “йўл харитаси”;

Жалолобод вилоятида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

тери ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш, шунингдек, Норин вилоятида картошка етиштириш бўйича қишлоқ хўжалиги синфини ташкил этиш тўғрисида келишув;

картошка етиштириш бўйича агросинф ва чорвачилик комплексини яратиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

“Қирғизистонда карбид ва кальций ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш” инвестиция лойиҳаси доирасида қўшма ҳамкорлик тўғрисидаги битим (шартнома суммаси – **20 миллион доллар**);

Қирғизистоннинг маккажўхори донини Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича келишув (шартнома суммаси – **100 миллион доллар**);

Қирғизистонда электр энергиясини ҳисобга олиш ва қурилмаларни йиғишни ташкил этиш бўйича ўзаро англашув ва ҳамкорлик меморандуми;

базальт тошини қайта ишлаш заводини ишлаб чиқариш бўйича меморандум;

Ўзбекистон компаниялари маҳсулотларини Қирғизистон Республикасида сотиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

Қирғизистондан Ўзбекистонга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома ва шу кабилар.

Шунингдек, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосий устувор йўналиши сифатида, биринчи навбатда, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масаласини қайд этди.

Шу мақсадда томонлар учинчи мамлакатлардан импорт ўрнини маҳаллий тадбиркорларнинг арзон ва сифатли маҳсулотлари билан тўлдириш, шунингдек, икки мамлакат пойтахтларида савдо марказларини ташкил этиш масалаларини ўрганишга келишиб олди.

Санот кооперацияси доирасида қарийб **500 миллион долларлик** янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Автомобиллар, замонавий маиший техника, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, фойдали қазилмаларни биргаликда қазиб олиш ва қайта ишлаш шулар жумласидан [12].

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашни ҳамкорликнинг муҳим йўналиши сифатида қайд этди. Интенсив боғлар ва иссиқхона хўжалиklarини ривожлантириш, картошка, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бошқа қўшма лойиҳаларни ишга туширишга қаратилган агрокооперация дастурини амалга ошириш шу мақсадларга хизмат қилади.

Президентимиз икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги шериклик ва тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Мазкур вазифа доирасида транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик стратегик аҳамиятга эгаллиги қайд этилди. “Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича ишларни фаоллаштириш, “Андижон-Ўш-Иркиштом” автомобиль йўлининг салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, шу мақсадда қўшма транспорт-логистика компаниясини ташкил этишга келишиб олинди.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Гидроэнергетикадаги лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, Қамбарота ГЭС-1 қурилиши борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди [12].

Шу билан бирга, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги, тарихи ва дини, тили ва маданияти муштарак бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган қатор аниқ ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, улуғ қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг 95 йиллигини кенг нишонлаш, Ўшда Бобур номидаги Ўзбек мусиқали драма театрининг очилишида биргаликда спектакль намойиш этиш, зиёлилар ва ёшларни фаол жалб қилган ҳолда янги формат – Авлодлар мулоқотини ташкил этиш, талабалар спартакиадаси, қўшма фестиваль ва концертлар, ижодий тадбирларини ўтказиш таклиф қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар юқори даражада ривожланмоқда. Икки давлат ўртасидаги қўшничилик, стратегик шериклик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Қирғизистон билан барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш нафақат Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан, балки бирдамликдаги саъй-ҳаракатлар билан олдимизга қўйган олийжаноб мақсадлардан бири саналади.

**Туркий тилли давлатлар билан алоқалар.** Собиқ совет тузуми даврида бешта турк тилида сўзлашувчи мамлакатлар мазкур Иттифоқ таркибида бўлган. Ўша даврда биргина Туркия давлати мустақил бўлган. Туркий тилларда сўзлашувчи мамлакатларнинг барчаси мустақил бўлганидан кейин, биринчи марта Туркия Республикаси ташаббуси билан 1992 йил 30 октябрь Анқара шаҳрида Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарлари биринчи марта ташкил этилган “Туркий тилли давлатлар саммити”да иштирок этишди [11].

1993 йил 12 июль куни Олмаота шаҳрида Халқаро туркий маданият ташкилотини тузиш ҳақидаги битим имзоланди. 2010 йил 15 сентябрга қадар, яъни доимий фаолият кўрсатувчи халқаро ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлагунга қадар 10 та “Туркий тилли давлатлар саммити” бўлиб ўтди. Уларда туркий тилли давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кўплаб масалалар муҳокама қилиниб, тегишли ҳужжатлар қабул қилинган [11].

Ҳозирги кунда Туркий давлатлар ташкилоти деб номланувчи халқаро тузилма туркий тилли халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йил 3 октябрда имзоланган “Нахчиван шартномаси” асосида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган эди.

Венгрия мазкур ташкилотга 2018 йилда кузатувчи мақоми билан кўшилди. 2018 йилнинг 30 апрелида мамлакатимиз ҳам бу кенгашга аъзо бўлиш истагини билдирди ва 2019 йил 14 сентябрда ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди [9]. Шу ўринда географик жиҳатдан, тили ва бошқа жиҳатдан туркий давлатлардан фарқли бўлган Венгриянинг мазкур ташкилотга кузатувчи бўлиши ғайриоддий туюлади. Венгрия бугунги кунда Европа марказидаги давлатлардан бири бўлса-да, Ислом дини, туркий маданиятга бегона бўлмаган тарихга эга мамлакат. Қадимдан унинг худудида мусулмонлар мунтазам яшаб келишган. Венгерлар Шарқ давлатлари томонидан можарлар деб аталган ва бугунги кунга қадар бу атама бор. Венгер тилида туркий сўзлар жуда кўп учрайди. Бу давлатнинг қишлоқларида яшовчи деҳқонлар, хунармандлар, умуман олганда, оддий халқ турмуш тарзида турк маданияти таъсири кучли.

Венгерларнинг аجدодлари қадимда Осиёда яшаган ва IX асрда Урал дарёси бўйларида Европага кўчиб борган. Венгриянинг давлат тили бўлмиш можар тили урал тиллари оиласига мансуб ҳисобланади.

Султон Сулаймон ва лашкарбоши Иброҳим пошшо бошчилигида 1526 йил 29 августда бўлиб ўтган Мохач жангида венгер-чех-хорват кўшинлари мағлуб бўлгандан сўнг, Венгрия ерларининг катта қисми Усманийлар империяси тасарруфига ўтди. 1541 йилдан бошлаб турклар Марказий Венгрияни тўлиқ бошқаришни бошладилар ва у ерда бешта вилоят – Буда, Канижа, Темешвар, Эгер, Варадни ташкил қилдилар.

Усманийлар томонидан фатҳ қилинган Венгрия ерлари ўрнида янги худуд – 1526-1699 йилларда мавжуд бўлган Усманий Венгрияси ташкил топди. Мамлакатнинг аксарият деҳқонлари туркларнинг келишини маҳаллий феодалларнинг чидаб бўлмас даражадаги зулмидан қутулиш деб ҳисоблаган. Турклар венгер деҳқон-

лари ҳаётининг кўп соҳаларини эркинлаштирдилар. Ўша пайтдаги Европадаги католиклар ва протестантлар ўртасидаги қонли жанжаллардан фарқли ўлароқ, турклар динларни тақиқламади, уларга эркинлик берилди.

Бугунги кунда дунёда иқтисодий ҳамкорлик аксарият сиёсий қарашларни четга сурадиган вазият ҳукм сурмоқда. Венгрия социалистик йўлда анча вақт йўқотиб, охир-оқибат эркин бозор иқтисодиётига ўтган ва изчил ривожланаётган мамлакатдир. Венгриянинг Ўзбекистон билан муносабатлари ҳам жуда яхши. Давлатлар раҳбарлари бир-бирларини ҳурмат қилишади. Самарқандда ташкил этилган саммитга ҳам Венгрия давлати раҳбари Виктор Орбан биринчи бўлиб етиб келди ва икки давлат ўртасидаги бизнес-форум тадбирнинг ўзига хос деб очаси бўлди.

2021 йил 12 ноябрда Истанбулда бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг VIII Истанбул саммитида ташкилот номи Туркий давлатлари ташкилоти деб ўзгартирилди ва Туркменистон ҳам ташкилотда кузатувчи давлат мақомига эга бўлди. Ҳозирги вақтда ташкилот фаолиятини координациялаш бўйича бош котибият Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашган [1].

Истамбул саммитида нафақат ташкилот номи ўзгарди, балки мазмун жиҳатдан ҳам ўзгаришлар бўлди. Туркий дунё нигоҳи деб номланган 2040 йилга мўлжалланган стратегик ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳужжатда олдимизга қўйилган мақсадлар тўрт соҳага мўлжаллаб, аниқ-равшан қилиб қўйилди. Булар сиёсий, савдо-иқтисодий, халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва халқаро ҳамжамият билан туркий давлатларнинг алоқаларидир.

Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммити 2022 йил 11 ноябрь куни қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида ўтказилди.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатларнинг аҳолиси тахминан 150 миллион кишини ташкил этади, улар 4 миллион 200 минг квадрат километрлик катта ва муҳим геосиёсий худудда жойлашган. Ташкилотга аъзо давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ҳам жуда салмоқли ҳисобланади.

Мазкур ташкилотга аъзо ҳамда кузатувчи давлатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари эса турлича. Мамлакатларнинг ўзаро ташқи савдоси атиги 3 фоизни ташкил қилади. Давлатларнинг аҳоли сони, ялпи ички маҳсулоти ва киши бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулоти бўйича қуйида сўз юритамиз.



Жаҳон банкининг расмий веб-сайтида берилган маълумотларга қараганда, мамлакатларнинг 2021 йилги ялпи ички маҳсулоти Туркия жумҳуриясида 819,04 миллиард АҚШ доллари, Озарбайжонда 54,622 миллиард АҚШ доллари, Қозоғистонда 197,112 миллиард АҚШ доллари, Қирғизистонда 8,543 миллиард АҚШ доллари ва Ўзбекистонда 69,238 миллиард АҚШ доллари, шунингдек, кузатувчи ҳисобланган Туркменистонда 45,231 миллиард ва Венгрияда 181,848 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ЯИМ бўйича барча мамлакатларда вазият турлича [9].

2021 йили киши бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми бўйича мамлакатларни қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин. Йилига беш минг АҚШ долларидан паст – Ўзбекистон (1 983 АҚШ доллари) ва Қирғизистон (1 276 АҚШ доллари) ҳамда беш минг АҚШ долларидан ўн минг АҚШ долларигача – Озарбайжон (5 388 АҚШ доллари), Туркменистон (7 344 АҚШ доллари) ва йилига ўн минг АҚШ долларидан баланд – Қозоғистон (10 373 АҚШ доллари), Венгрия (18 728 АҚШ доллари) [9].

Ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти йиллик ўсиши таҳлил қилинса, кўрсаткичлар анча яқинлашади. Энг юқори йиллик ўсиш Туркияда қайд этилиб, йиллик 11,3 фоизни ташкил қилган бўлса, Ўзбекистон ва Венгрияда мос равишда йиллик 7,4 ва 7,1 фоизни ташкил этган. Туркменистонда 6,3 фоиз, Озарбайжонда 5,6 фоиз, Қозоғистонда 4,3 фоиз ҳамда Қирғизистонда 3,6 фоиз йиллик ўсиш қайд этилган [10]. ЯИМнинг йиллик ўсиши нуқтаи назаридан таҳлил этиладиган бўлса, туркий тилли давлатлар ва уларга кузатувчи мақомидаги мамлакатларнинг ўзаро мутаносиб кўрсаткичлари мавжудлигини англаш, барча мамлакатлар танлаган йўли, иқтисодиётини ривож-

лантириш стратегияси, ташқи савдода ўзаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ҳаракатлари уйғун эканлигини кўриш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Туркий давлатлар ташкилоти ҳозирги даврда Марказий Осиё ва бошқа аъзо малакатлар учун айнан керакли ташкилот ҳамда унинг келажаги порлоқ. Буни мазкур ташкилотларга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатлари, муштарак мақсадлари кўрсатиб турибди. Туркия ва Венгрия Ўзбекистон сингари табиий ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек, салоҳиятли ишчи кучига бой мамлакатларнинг Европа бозорига киришлари учун қулай воситачи бўла олади. Мамлакатимизнинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши, иқтисодий нуқтаи назардан, ишлаб чиқарувчиларимиз учун катта истеъмол бозорига чиқиш имкониятини яратади. Марказий Осиё мамлакатлари билан умумий божхона иттифоқига эга Ўзбекистон Туркия ва Венгрия сингари янги бозорларни кашф этиб, ўз экспорт геграфиясини кенгайтиради. Бундан ташқари нефтьгаз соҳасида ҳам мазкур икки давлат воситачилигида ўз маҳсулотларини Европа бозорига эркин сотиш имкониятини қўлга киритиши мумкин.

Туркий давлатлар ташкилотининг бугунги кундаги кўринишга қадар узоқ йиллар тажрибали йўлларни босиб ўтган, ҳозирда ўз мақсадларига етиш учун йилдан-йилга яна ҳам ишонч билан, дадил одимлаб бормоқда, мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Шубҳасиз, уч мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш икки қардош мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://daryo.uz/k/2022/11/08/turkiy-davlatlar-tashkiloti-qanday-tashkilot-va-u-nima-uchun-kerak>
2. Adam Smith. *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A selected Edition. Edited with an Introduction and Notes by Kathrun Sutherland.* –Oxford University Press, 1998. – 618 p.
3. [https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/26\\_N\\_Abdurashidova.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/26_N_Abdurashidova.pdf)
4. Ломакин В.К. *Мировая экономика. Практикум. Учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям.* / В.К.Ломакин. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.
5. <https://tsue.sciencweb.uz/index.php/archive/article/download/3233/2419/>
6. Алимов А., Ҳамедов И. *Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари.* – Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2008. – 491 бет.
7. Жалолов Ж., Ахмедов И., Нематов И., Акрамов Т. *Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма.* – Т.: ТДИУ, 2011. – 198 б.
8. Назарова Г.Г., Маҳмудов Н.Н. *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар.* – Т.: ТДИУ, 2006.
9. <https://www.worldbank.org/en/topic/climatechange/publication/detox-development>
10. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида шакллантирилди.*
11. <https://xs.uz/uzkr/post/turkiy-davlatlar-tashkiloti-kecha-va-bugun>
12. <https://president.uz/uz/lists/view/5844>